

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

БАРОТОВ ФЕРУЗ ТУРГУНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЎТКИР ПЛЕВРА ЭМПИЕМАСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Баротов Феруз Тургунович

Болаларда ўткир плевра эмпиемасини ташхислаш ва даволаш усулини танлаш.....	3
---	---

Баротов Феруз Тургунович

Выбор методов диагностики и лечения острой эмпиемы плевры у детей.....	33
--	----

Barotov Feruz Turg'unovich

Choice of diagnosis and treatment methods acute pleural empyema in Children.....	63
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ	
List of published works.....	68

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

БАРОТОВ ФЕРУЗ ТУРГУНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЎТКИР ПЛЕВРА ЭМПИЕМАСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2024.3.PhD/Tib5013 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Ilmiy rahbar:

Оллабергенов Одилбек Тожиддинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашев Баёхтиёр Бердалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулло Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Болалар миллий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./Факс: (+99855) 503-03-66; e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./Факс: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болалардаги ўткир плевра эмпиемаси ўпканинг оғир йириングли-яллиғланиш касаллиги бўлиб, у асоратланган деструктив пневмония фонида ўзини намоён қилади. Британия торакал хирурглар ҳамжамияти (British Thoracic Society) маълумотларига кўра деструктив пневмония билан касалланган болаларнинг 15–30 % да ўткир плевра эмпиемаси ривожланади. Деструктив жараёнлар ўпкада йиринглашишга, ўчоқли-йирингли яллиғланиш ва парчаланиш ривожланишига олиб келади, бу эса плевра бўшлиғида суюқлик тўпланишига сабаб бўлади ва фаол хирургик аралашувни талаб қилади. Бу билан боғлиқ равишда, болаларда касалликнинг эрта диагностикаси нафақат асоратлар сонини, балки ўлим ҳолатларини ҳам камайтиришга ёрдам беради. Эмпиемани плевра яллиғланишининг алоҳида тури сифатида ажратиб кўрсатиш, интенсив консерватив даволаш ва доимий реабилитация билан биргаликда фаол жарроҳлик аралашувининг зарурлигини таъкидлайди, шунингдек, кейинчалик бу беморларни тор соҳа мутахассислари томонидан узоқ муддатли қузатув талаб қилинади^{1,2,3,4,5}.

Ташхислаш сифатининг яхшиланиши ва ўткир плевра эмпиемасини даволашда янги кам инвазив эндоскопик усуллар ишлаб чиқилганига қарамай, яқин ва узоқ муддатли қузатув даврларида натижалар ҳануз қониқарсизлигича қолмоқда. Ўткир плевра эмпиемасини даволашдаги қониқарсиз натижалар аксарият ҳолларда болаларнинг кеч стационарга ётқизилиши, шунингдек, касалликнинг ilk босқичларида жарроҳлик аралашуви усули ва услубининг асоссиз танланиши билан боғлиқ. Болаларда ўткир плевра эмпиемасини эндоскопик, кам инвазив ва анъанавий усуллар билан даволашда кўплаб баҳсли масалалар касаллик босқичи ва клиник белгилар оғирлиги билан боғлиқ. Бу аралашувларнинг асосий мақсади-ўткир даврда патологик жараённи тезда бартараф этиш, касалликнинг чўзилиб кетишини ва асоратлар пайдо бўлишини олдини олиш учун плевра бўшлиғини пухта тозалашдир. Шу билан бирга, даволаш комплексига консерватив симптоматик терапия ва физиотерапевтик муолажаларни қўшиш зарур.^{6,7}.

Диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Барова Н.К. и др. Современные методы хирургического лечения острой бактериально-деструктивной пневмонии у детей // Материалы Северо-Кавказской научно-практической конференции с международным участием. - 2016. - С. 17-21.

² Вечеркин В.А. и др. Деструктивные пневмонии у детей // Российский вестник детской хирургии, анестезиологии и реаниматологии. - 2019. - Т.9. - №4. - С. 108-115.

³ Волков В.И. Деструктивные пневмонии у детей: Опыт лечения. // Хирургия. Восточная Европа. - 2015. - №3 (15). - С. 108-113.

⁴ Manoharan, A., Lodha, R. Debate 1: Is the Management of Childhood Empyema Primarily Medical, or Surgical? // Indian J Pediatr. - 2023. - 90 (9). - P. 910-914.

⁵ Shinde A., Mhaske S.N., Kothari R. et al. Management of pediatric empyema with intrapleural streptokinase: randomised control trial // Eur J Mol Clin Med. - 2020; (7). - P. 5712-20.

⁶ Мықыев К.М., Кочкунов Д.С. Острые бактериальные деструкции легких у детей // Методические рекомендации. Бишкек: КРСУ. - 2015. - 30с.

⁷ Almaramhy H.H., Allama A.M. Indicators for surgical intervention in thoracic empyema in children // Saudi Med J. - 2015. - Vol.36. - №9. - P. 1061-1066.

2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони асосида олиб борилади. Устувор йўналишлардан бири соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотлар доирасида аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўлиб, бу 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сонли “2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорда ҳам белгиланган. Шу билан бирга, мазкур иш болаларда ўткир плевра эмпиемасини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш орқали ногиронлик даражасини камайтиришга қаратилган⁸.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир плевра эмпиемаси - бу йирингли интоксикация, нафас етишмовчилиги белгилари, бронхопулмонал ва юрак-қон томир синдромлари билан намоён бўладиган висцерал ва париетал плевранинг маҳаллий ёки диффуз яллиғланиши бўлиб, ушбу омиллар bemорлар аҳволининг оғирлашишининг асосий сабаби ҳисобланади. Бугунги кунга қадар кўплаб даволаш муассасаларида пункция ва дренаж усусларини қўллаб амалга ошириладиган узоқ муддатли консерватив даво ўпка ва плевранинг йирингли касалликларини даволашнинг анъанавий усули бўлиб қолмоқда. Бироқ бундай даволаш натижалари қониқарсиз бўлиб қолмоқда, бу эса касалликнинг узоқ чўзилган шаклларининг кўпайиши, микроорганизмларнинг қўлланилаётган анти микроб дориларга нисбатан поливалент барқарорлиги ва уларнинг тажовузкорлигининг ортиши билан боғлиқдир. Микрофлора қаршилигининг ортиб бориши сабабли ўткир плевра эмпиемасини келтириб чиқарадиган сабабларнинг структураси ҳам ўзгарди, бу даволаш тактикасини қайта кўриб чиқиш учун муайян шарт-шароитларни яратди, замонавий кам инвазив эндо скопик даволаш усуслари ёрдамида ушбу патологияни даволашда янги имкониятлар пайдо бўлди^{9,10,11}.

⁸ Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП - № 60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

⁹ Вакулич Д.С. и др. Возможности улучшения результатов лечения у пациентов с хронической эмпиемой плевры на фоне бронхоплевральных свищей // Журнал Гродненского государственного медицинского университета. - 2024. - Том 22. - № 2. - С. 147-153.

¹⁰ Корымасов Е.А., Шаблонский П.К., Лищенко В.В. и др. Эмпиема плевры: клинические рекомендации [Электронный ресурс] // Российское общество хирургов, Ассоциация торакальных хирургов России. - Москва, 2024.

¹¹ Svetanoff W.J., Dorman R.M., Dekonenko C. et. al. Protocol-driven antibiotic treatment of Pediatric empyema after fibrinolysis // Pediatr Infect Dis J. - 2021; (40). - P. 44-48.

Ўткир плевра эмпиемасида эндоскопик ва кам инвазив видеоторакоскопик жарроҳлик аралашувларнинг замонавий усулларини жорий этиш ўпка ва плевра шикастланиши ҳамда оғир интраоператив асоратлар ривожланишининг олдини олиб, уларга етказиладиган шикаст таъсирини камайтириш имконини берди, бу эса беморларнинг ушбу оғир гуруҳига кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилашга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда ўпка ва плевранинг йирингли-яллиғланиш касалликларида кам инвазив эндоскопик аралашувларни қўллаш бўйича кўрсатмалар доимий равишда кенгайиб бормоқда; бу усуллар анъанавий жарроҳлик учун муносиб алтернатива ҳисобланади. Шундай бўлсада, болаларда ўткир плевра эмпиемасига олиб келадиган деструктив жараённинг этиопатогенезидаги барча бўғинларга таъсир кўрсатишга қаратилган терапевтик чора-тадбирларни такомиллаштириш зарур^{12,13,14,15}.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси №01980006703 “Болаларда туғма ва ортирилган касалликларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика усулларини мукаммаллаштириш” асосида олиб борилган ва бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади.

Болаларда ўткир плевра эмпиемасини комплекс даволашда кам инвазив хирургик усуллардан фойдаланиш орқали унинг самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот вазифалари.

1. Болаларда ўткир плевра эмпиемасини даволашнинг оптимал тактиkasини асослаш имконини берадиган диагностик мезонларни аниқлаш;
2. Болаларда ўткир плевра эмпиемасида бронхоскопик ва торакоскопик аралашувларни эрта қўллашга доир кўрсатмаларни белгилаш;
3. Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг оқмали шаклларида бўлакли ёки сегментар бронхнинг эндоскопик окклузиясига кўрсатмаларни аниқлаштириш;
4. Анъанавий ва кам инвазив эндоскопик аралашувлардан фойдаланган ҳолда болаларда ўткир плевра эмпиемасини даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқот обьекти Илмий иш обьекти сифатида 2017 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг жарроҳлик инфекциялари бўлимида текширувдан ўтган ва даволанган, 1 ёшдан 17 ёшгacha ўткир плевра эмпиемаси билан касалланган (ўртacha ёш

¹² Матвеев В.Ю., Хасанов Р.М., Бондарев А.В., Кулагина Л.Ю. Оптимизация метода временной обтурации бронхов в комплексном лечении больных эмпиемой плевры с бронхоплевральными свищами // Инновационные технологии в медицине. - 2015. - Том 1. - 4 (89). - С. 117-122.

¹³ Сафонов Д.В., Сафонова Т.Д. Ультразвуковая диагностика гнойных плевральных выпотов – эмпиемы плевры и пиопневмоторакса // Фундаментальные исследования. - 2015. - №1. - С. 592-596.

¹⁴ Углонов И.М. Совершенствование методов хирургического лечения острых осложнённых форм бактериальной деструкции лёгких у детей: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - Ташкент. - 2022.

¹⁵ Zuccatosta L., Piciucchi S., Martinello S., Sultani F., et al. Is there any role for medical thoracoscopy in the treatment of empyema in children? // Clin Respir J. 2023 Feb;17(2):105-108.

$6,06 \pm 0,44$ ($M \pm m$) 126 нафар беморлар олинди.

Тадқиқот предмети. Илмий иш болаларда ўткир плевра эмпиемасини даволашда қўлланилган анъанавий, эндоскопик ва видеоторакоскопик усулларнинг натижаларини акс эттирувчи архив материаллари ва клиник маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари.

Куйидаги клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказилди: умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, рентгенологик текширув, плевра бўшлигининг УТТ (ультратовуш текшируви), кўкрак қафаси аъзоларининг мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), бронкоскопия ва бронхография, бронх ва плевра бўшлиғидан олинган суюқликларнинг бактериологик текшируви қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг экссудатив, йирингли-фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичлари бўйича диагностик хусусиятлар аниқланган ва бу босқичлар бўйича оптималь даволаш тактикасининг самарадорлиги исботланган.

Ўткир плевра эмпиемасини даволашда эрта бронхоскопик ва торакоскопик аралашувлар учун қўрсатмалар ва уни бажариш муддатлари аниқланган.

Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг фаол бронх-плеврал оқмаси мавжудлиги сабабли эндоскопик санация ва бўлакли ёки сегментар бронх окклузиясининг юқори самарадорлиги исботланган.

Болаларда ўткир плевра эмпиемасида кам инвазив усуллардан эндоскопик ва видео-торакоскопик аралашувларнинг даво самарадорлигининг 1,24 марта юқорилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўтказилган тадқиқотлар касалликнинг босқичига қараб болаларда ўткир плеврал эмпиемани жарроҳлик усулида даволашнинг оптималь тактикаси танловини илмий асослаш имконини берди;

Болалардаги ўткир плеврал эмпиеманинг йирингли-фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичларида санацион бронхоскопия билан кам инвазив аралашувнинг бир вақтда ўтказилишининг афзалликлари аниқланган;

Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг оқма шаклларида эрта видео-торакоскопик аралашувнинг эндоскопик санация ва бронхнинг бўлакли ёки сегментар окклузияси билан эрта биргаликда ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Ўткир плеврал эмпиема билан оғриган болаларни операциядан кейинги консерватив даволаш ва реабилитация қилиш бўйича тавсия этилган комплекс ёндашув яқин ва узоқ муддатли кузатув даврида касаллик асоратлари ва рецидивларини минималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усулларини қўллаш орқали тасдиқланди. Барча

натижалар ва хуросалар далилларга асосланган тибиёт тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Олинган натижалар статистик ишлов бериш орқали ўзининг ишончлилигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўткир плеврал эмпиема болаларда нафас тизимининг йириングли-септик касалликлари орасида турли хил этиологияга эга ва кечиш жараёнининг оғирлиги ҳамда ўлим ҳолатлари частотаси бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда ўткир плевра эмпиемасининг этиопатогенетик жиҳатларини ойдинлаштириш ва батафсил ёритиб беришга қўшган салмоқли ҳиссасидадир. Аниқландиди, болаларда ўткир плевра эмпиемасининг клиник кўриниши кўп ҳолларда ўпка-плевра асоратларига олиб келадиган ўпка паренхимасидаги жиддий морфологик ўзгаришлар билан боғлиқ, бу эса эрта бронхоскопик ва видео-торакоскопик аралашувларни талаб қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида болаларда ўткир плеврал эмпиемасида кам инвазив аралашувларни санацион бронхоскопия билан биргаликда эрта амалга оширишнинг тактик ва техник ёндашувлари такомиллаштирилган. Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг босқичига қараб бирламчи видео-торакоскопик аралашувнинг кўлами, усули ва техникаси танловига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқланган. Ўткир плеврал эмпиема билан оғриган беморларни консерватив даволаш ва операциядан кейинги реабилитацияси бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, бу операциядан кейинги асоратларни сезиларли даражада камайтиради ва касаллик қайталанишини олдини олади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 20 июндаги 20-сонли баённомасига асосан амалитёга тадбиқ қилинган.

Биринчи илмий янгилик. болаларда ўткир плевра эмпиемасининг экссудатив, йириングли-фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичлари бўйича диагностик хусусиятлар аниқланган ва бу босқичлар бўйича оптимал даволаш тактикасининг самарадорлиги исботланган.

Беморларни касаллик босқичига кўра оптимал диагностик алгоритм ва даволаш тактикаси ишлаб чиқилган. Бу ёндашув эрта ташхис қўйиш, асоратларни олдини олиш ва индивидуал даволаш усулларини танлаш имконини берган. *Ижтимоий самарадорлиги:* янгиланган ташхис ва даволаш алгоритми жорий этилганидан сўнг болаларда эрта ташхис қўйиш ҳолатлари ортган. Асоратлар частотаси 25% дан 8% гача камайган. даволаш муддати $16,57 \pm 0,97$ кундан $13,66 \pm 0,76$ кунга камайган. 70% bemorларда даволаш енгил кечган, ота-оналарнинг хавотири сезиларли даражада камайган ва bemorларнинг тезроқ ижтимоий мослашуви таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Шифохонада ётиш муддатининг 3 кунга қисқариши иқтисодий тежамкорликга олиб келган. *Хулоса.* Ташхис ва даволашнинг

босқичли алгоритмини жорий этиш ўткир плевра эмпиемсини эрта аниқлаш ва самарали даволаш имконини берган. Бу ёндашув болалар хирургияси амалиётiga кенг тавсия этиш учун илмий ва амалий асосга эга бўлган.

Иккинчи илмий янгилик. ўткир плевра эмпиемасини даволашда эрта бронхоскопик ва торакоскопик аралашувлар учун кўрсатмалар ва уни бажариш муддатлари аниқланган; мезонлар асосида бронхоскопия эксадатив босқичда 3–5 кун ичida, торакоскопик аралашув эса йириングли фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичларда 5–7 кун ичida бажарилиши белгиланган. Бронхоскопия учун техник услублар (йтиингларни тозалаш, бронх окклюзиясини баҳолаш, секрецияни аспирация қилиш) ва торакоскопияда визуализация, декортация, плевра қопламаларини очиш ва дренаж ўрнатиш усуслари стандартизация қилинган. Бу ёндашув бронхоплеврал фистулаларни олдини олиш ва ўткир даврда самарали дренажни таъминлаган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Эрта бронхоскопик ва торакоскопик аралашувлар жорий этилгандан сўнг беморларда асоратлар частотаси 30% дан 10% гача камайган. Такрорий дренаж қўйиш 25% дан 8% гача камайган. Бронхоплеврал оқма хосил бўлиши ҳолатлари 12% дан 3% гача пасайган. Беморларда оғриқ синдроми анча енгил кечган ва нафас олиш функцияси тезроқ тикланган. 75% болада реабилитация тезлашган, эрта ҳаракатланиш имконияти пайдо бўлган. Ота-оналарнинг психологик стресс даражаси сезиларли камайган ва ишонч даражаси ошган. *Иқтисодий самарадорлиги:* хирургик аралашувларнинг оптимал вақтда бажарилиши туфайли шифохонада ётиш муддати 16 кундан 13 кунгача қисқарган. Ҳар бир bemor учун 3 ётоқ-кун тежалган. Бу тиббий хизмат сифатини оширган ҳолда ресурсларни тежашга имкон берган. *Хулоса.* Эрта бронхоскопик ва торакоскопик аралашувлар учун мезонлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг клиник амалиётга жорий этилиши болаларда ўткир плеврал эмпиемани самарали даволаш, асоратларни камайтириш ва даволаш муддатини қисқартириш имконини берган.

Учинчи илмий янгилик. болаларда ўткир плевра эмпиемасининг фаол бронх-плеврал оқмаси мавжудлиги сабабли эндоскопик санация ва бўлакли ёки сегментар бронх окклюзиясининг юқори самарадорлиги исботланган; Аньянавий дренаж усуслари оқмали шаклларда етарли самара бермаслиги, плевра қаватида қўшимча йириングли бўшлиқлар ва фибринлар сақланиб қолиши туфайли қайталанувчи эмпиема ва сепсис ҳолатлари юзага келар эди. Тадқиқот доирасида эндоскопик санация (плевра қаватида тўлиқ визуализация, фибрин қатламларини олиб ташлаш, плевра қопламаларини ювиш) ва сегментар бронх окклюзия (доимий хаво оқимини чеклаш ва инфицирланган суюқликнинг қайта киришини олдини олиш) комбинацияси қўлланилган. Эндоскопик усуслар кам инвазив бўлиб, болалар учун хавфсиз ва тез тикланишга олиб келувчи ёндашув сифатида тавсия этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Эндоскопик санация ва бронх окклюзия қўлланган bemorларда инфекция қайталаниши 22% дан 6% гача тушган. Сепсис ҳолатлари 15% дан 4% гача қисқарган. Бронхоплеврал оқмалар деярли учрамаган. Беморларда оғриқ синдроми икки баравар камайган, нафас олиш

функцияси тез тикланган ва 80% болаларда реабилитация муддати 2 баробар қисқарган. Ота-оналарнинг ишончи ва қоникиш даражаси сезиларли ошган. Психоэмоционал стресс пасайди, болалар эрта мактаб ва жамиятга қайтишига эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги*: Анъанавий дренаж усулига нисбатан эндоскопик ёндашув қўлланилганда шифохонада ётиш муддати 6 қунгача қисқарган. Антибиотик сарфи 35% га, қўшимча операциялар 40% га, лаборатор таҳлиллар 25% га, умумий даволаш харажатлари 30% га камайган. Ушбу технология соғлиқни сақлаш тизимида ресурсларни тежаш ва самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этган. *Хулоса*. Эндоскопик санация ва сегментар бронх окклюзиянинг оқмали шаклларда қўлланилиши юқори клиник самарадорликка эга эканлиги исботланган. Ушбу инновацион ёндашув инфекцияни тез бартараф этиш, асоратларни олдини олиш ва даволаш муддатини қисқартириш орқали болаларда ўткир плеврал эмпиемани даволашда янги стандарт сифатида тавсия этилиши мумкин.

Тўртинчи илмий янгилик болаларда ўткир плевра эмпиемасида кам инвазив усувлардан эндоскопик ва видео-торакоскопик аралашувларнинг даво самарадорлигининг 1,24 марта юқорилиги исботланган. Тадқиқот доирасида bemорларнинг босқичига қараб видеоторакоскопия, мини-торакотомия, паст босимли аспирация, плевра бўшлигининг динамика дренажи каби замонавий кам инвазив усувлар қўлланилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: Кам инвазив ва видео-торакоскопик усувлар жорий этилгандан сўнг очиқ операциялар сони 45% дан 12% гача тушган. Қайта госпитализация ҳолатлари 18% дан 5% гача камайган. Асосий гуруҳда bemорларнинг 85% ида реабилитация енгил кечган. Оғриқ синдроми 50% га камайиши натижасидан болаларнинг эрта харакатланиш ва овқатланишга қайтишига эришилган. Ота-оналарда ишонч ошганлиги учун, психологик стресс даражаси икки баравар камайган. *Иқтисодий самарадорлиги*: асосий гуруҳдаги бир нафар bemор учун, ўртacha $13,66 \pm 0,76$ кунлик стационар даволаниш муддатида, харажат миқдори $225\ 000 \times 13,66 = 3\ 073\ 500$ сўмни ташкил этган. Ҳолбуки, назорат гурухида ўртacha даволаниш муддати $16,57 \pm 0,97$ кунни ташкил қилиб, умумий харажат: $225\ 000 \times 16,57 = 3\ 728\ 250$ сўмга teng бўлган. Очиқ операцияларнинг камайиши хизмат харажатларини 40% гача қисқартирган. *Хулоса*. Кам инвазив, эндоскопик ва видео-торакоскопик аралашувларнинг клиник самарадорлиги юқори эканлиги исботланган. Ушбу усувлар болаларда ўткир плеврал эмпиемани хавфсиз, тез ва самарали даволаш имконини бериб, анъанавий очиқ операцияларнинг ўрнини босиши мумкин. Тадқиқот натижалари асосида ушбу технологиялар болалар хирургиясида замонавий стандарт сифатида тавсия этилади.

Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг болалар жарроҳлиги бўйлимида Бош шифокорнинг 2025 йил 1 майдаги №81т-сонли буйруғи, ҳамда Тошкент шаҳри болалар жарроҳлик клиник шифохонаси №2 да Бош шифокорнинг 2025 йил 12 майдаги №90-сонли буйруғи билан жорий этилган ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 20 июнданги 20-сонли йигилиш баённомасига асосан илмий – тадқиқот ишларини

натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хуросаси олинган.

Тадқиқот натижаларининг аппробасияси.

Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги анжумандада тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан 9 таси мақола бўлиб, уларнинг 6 таси республика, 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ЭҲМ дастурига ва методик тавсиянома олинган. Диссертациянинг барча илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация қуйидаги бўлимлардан иборат: мундарижа, кириш, адабиётлар шархи, 3 та муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар боблари, якуний хуроса, умумий натижалар ва амалий тавсиялар. Иш 140 бетда баён қилинган бўлиб, 38 та расм ва 29 та жадвал билан бойитилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 143 та манбани ташкил этади, шундан 78 таси МДҲ давлатлари, 65 таси хорижий мамлакатларга тегишли.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацион ишнинг долзарблиги ва олиб борилган тадқиқотнинг амалий эҳтиёжи асослаб берилган, болаларда ўткир плевра эмпиемасини кам инвазив аралашув усуллари асосида даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган. Диссертацион ишнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек уларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, шунингдек диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар баён этилган.

Биринчи боб «Болаларда ўткир плевра эмпиемаси муаммосининг замонавий ҳолати». Ушбу бобда адабиётлар таҳлилига бағищланган кенг қамровли ва чуқур илмий шарҳ берилган бўлиб, болаларда ЎПЕнинг этиологияси, патогенези ва тарқалиши билан бөглиқ замонавий илмий маълумотлар умумлаштирилган. Деструктив жараёнлар фонида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар баҳоланган, бу эса патогенетик асосланган даволашни олиб бориш ва оғир, ҳаёт учун хавфли асоратларнинг олдини олишга имкон беради. Бобда шунингдек ЎПЕ ни комплекс ташхислашда мавжуд баҳсли масалалар ва долзарб муаммолар кўриб чиқилган, даволашнинг оптималь тактикаси, усуллари ва йўллари ҳақида мавжуд илмий маълумотлар умумлаштирилиб, тизимлаштирилган. Замонавий адабиётлар таҳлили асосида болаларда ЎПЕ ни ташхислашни такомиллаштириш,

консерватив ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳал этилмаган масалалар аниқлаб берилган.

Иккинчи боб «Тадқиқот материаллари ва усуллари» Ушбу бобда 2017 йилдан 2024 йилгача Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ўтказилган тадқиқот материалларининг тавсифи келтирилган. Илмий иш асосини 1 ёшдан 17 ёшгacha бўлган 126 нафар ЎПЕ билан оғриган болаларнинг текшируви ва даволаш натижалари ташкил этади. Барча bemорлар клиниканинг жарроҳлик инфекциялари бўлимида даволангандан таҳлилга жалб қилинган. Ёш бўйича тақсимотда bemорлар 4 гурӯхга ажратилган бўлиб, улардан энг кўп сонли гурӯх 1 ёшдан 3 ёшгacha бўлган bemорлар бўлиб, 56 нафар (44,4%) болани ташкил этган. Жинси бўйича таҳлил шуни кўрсатди, ўткир плевра эмпиемаси билан касалланганлар орасида ўғил болалар устунлик қиласи 79 нафар, қиз болалар эса 47 нафарни ташкил қиласи. Узоқ муддатли давр давомида рандомизацияланган тадқиқотлар ўтказиш ва бажарилган жарроҳлик даволаш самарадорлигини таққослаш мақсадида bemорлар икки таққосланадиган гурӯхга ажратилди (1-жадвал).

Биринчи назорат гурӯхи — бу 61 нафар (48,4%) bemордан иборат бўлиб, уларга 2021 йилгача бўлган даврда анъанавий жарроҳлик амалиётлари бажарилган. Буларга қуйидагилар киради: плевра бўшлигини пункция ва дренаж қилиш, анъанавий торакотомия, кўрсатмалар бўйича санацион бронхоскопия. Агар фаол бронхиал оқма мавжуд бўлса, бронхоскопия бронхоокклузия билан ўтказилган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича гурӯхларда тақсимоти
($\chi^2=1,44$; df=3; p>0,05)

Ёши	Назорат гурӯх (n = 61)		Асосий гурӯх (n = 65)		Жами
	Ўғил Бола	Қиз бола	Ўғил Бола	Қиз бола	
1-3 ёш	15(24,6%)	12(19,7%)	18(27,7%)	11(16,9%)	56(44,4%)
4-7 ёш	7(11,5%)	5(8,2%)	9(13,8)	6(9,3)	27(21,4%)
8-14 ёш	14(22,9%)	3(4,9%)	10(15,4%)	7(10,8%)	34(27%)
15-17 ёш	3(4,9%)	2(3,3%)	3(4,6)	1(1,5%)	9(7,1%)
Жами	39(63,9%)	22(36,1%)**	40(61,5%)	25(38,5%)*	126(100%)

Изоҳ: гурӯхлардаги ўғил ва қизлар сони ўртасидаги фарқ п қиймат статистик аҳамият *0,002; ** 0,01.

Иккинчи асосий гурӯх 2021–2024 йиллар оралиғида даволангандан 65 нафар (51,6%) bemордан иборат бўлиб, уларга кам инвазив аралашувлар бажарилган, жумладан: видеоторакоскопик операциялар билан бир вақтнинг ўзида санацион бронхоскопия ва бронхоокклузия, шунингдек пункцион-дренаж муолажалари ва бир вақтда санацион бронхоскопия билан бажарилган миниторакотомия.

Ўпка ва плевра бўшлиғидаги йирингли-яллиғланиш жараёнининг кўрсаткичлари ва оғирлиги Америка Торакал Жарроҳлар Асоциацияси ҳамда

Британия Торакал Жамияти томонидан қабул қилинган умумқабул қилинган тасниф асосида баҳоланган. Ушбу таснифга мувофиқ, ўткир плевра эмпиемаси билан касалланган беморлар босқичларга ажратилган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Ўткир плевра эмпиема плевря босқичига кўра аниқланган
беморлар сони (2017–2024 йиллар маълумотлари)**
($\chi^2=2,48$; df=2; p>0,05)

Плевра эмпиема bosқичлари	Беморлар сони		P	(abs/%)
	Назорат гурух	Асосий гурух		
Экссудатив босқич	16 (26,2%)	13 (20%)	p>0,05	29 (23%)
Йирингли-фибриноз босқич	35 (57,4%)	34 (52,3%)	p>0,05	69 (54,8%)
Фибрин шаклланиш босқичи	10 (16,4%)	18 (27,7%)	p>0,05	28 (22,2%)
Жами	61	65		126

Изоҳ: плевра эмпиемаси босқичлар бўйича гуруҳлар ўратсида статистик аҳамиятли фарқ йўқ.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, олиб борилган тадқиқотларимизда ўткир плевра эмпиеманинг йирингли-фибриноз босқичи умумий bemорлар сонининг 54,8% ини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ҳам асосий, ҳам назорат гуруҳларида устун босқич сифатида намоён бўлган. Ўткир плевра эмпиемани босқичини аниқлаш клиник кўринишлар, нурли диагностика усуслари (рентгенография, трансторакал ультратовушли текширув, мультиспирал компьютер томографияси), шунингдек, эндоскопик кам инвазив текширувлар бронхоскопия ва бронхография маълумотларига асосланган. Бундан ташқари, барча bemорларга, истисносиз, умумий клиник, клинико-лаборатор ва маҳсус йўналтирилган текширувлар тўлиқ ҳажмда ўtkazilgan бўлиб, бу болаларда ўткир плевра эмпиемасини аниқ ва ишончли ташхислаш имконини берган.

Диссертациянинг **учинчи боби** “Болаларда ўткир плевра эмпиемасининг клиник ва диагностик хусусиятларида” ЎПЕ нинг босқичига қараб унинг патогенетик жиҳатлари ва клиник белгилари баён этилган, шунингдек, нурли ва эндоскопик текширув усусларининг натижалари тақдим этилган. Болаларда ЎПЕ нинг патогенетик жиҳатларини ўрганиш касалликнинг клиник кўринишларини аниқлаш, умумий аҳволни оғирлаштирувчи хавфли асоратлар сабаблари ва уларнинг ривожланиш механизmlарини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аниқландики, касалликнинг клиник белгиларининг ифодалилиги кичик ёшдаги болаларда анча юқори бўлган ва мос равишда, уларнинг умумий аҳволи ҳам оғир кечган. Шу жумладан, 6 нафар (4,8%) bemор клиникага ниҳоятда оғир аҳволда ётқизилган, уларнинг аҳволи токсик ва плевропулмонал шок, юрак-ўпка етишмовчилиги фонида кечган. 59 нафар (46,8%) bemор ўғир аҳволда, 61 нафар (48,4%) ўрта оғирлиқдаги ҳолатда шифохонага ётқизилган. Гуруҳлараро солиштирма таҳлил натижаларига кўра, ўткир плевра эмпиеманинг оғир даражасида бўлган bemорларнинг кўпчилиги асосий

гурухда (33 та ҳолат) кузатилган бўлса, ўрта оғирликдаги ҳолатда бўлган bemорлар сони кўпроқ назорат гурухида (32 та ҳолат) 3-жадвалда қайд этилган.

3-жадвал

Касаллик бошланганидан кейин стационар шифохонага ётқизилиш муддати (n=126) $\chi^2=14,98$; df=4; p=0,005.


Касаллик бошланиши	Назорат гурух (n=61)	Асосий гурух (n=65)	P	Жами
1 хафтагача	11 (18%)	10 (15,4%)	>0,05	(16,7%)
1-2 ҳафта	29 (47,5%)	26 (40%)	>0,05	55 (43,7%)
2-3 ҳафта	11 (18%)	8 (12,3%)	>0,05	19 (15,1%)
3-4 ҳафта	7 (11,5%)	2 (3,1%)	>0,05	9 (7,1%)
4 хафтадан кўпроқ	3 (4,9%)	19 (29,2%)	$\chi^2=11,5$; df=1; p<0,001	22 (17,5%)
Жами	61 (100%)	65 (100%)		126 (100%)

Изоҳ: касалликнинг бошланишидан клиникага мурожаат қилингунга қадар бўлган вақтдаги фарқ тадқиқот гуруҳлари ўртасида статистик аҳамиятга эга бўлган.

23 нафар (18,3%) bemорда ўпка абцессининг бронх ва плевра бўшлиғига ёрилиши кузатилди, натижада фаол бронхиал оқма шаклланди, бу эса ҳаво сизиб чиқишини давомли қилиб, оғир bemорларнинг аҳволини янада оғирлаштириди. Шу билан бирга, 18 нафар (14,3%) bemор бошқа даволаш муассасаларидан плевра бўшлиғида дренаж найчалари билан бизнинг клиникага ўтказилган, бу эса дастлаб амалга оширилган пункцион-дренаж муолажаларининг самарасизлигидан далолат беради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўткир плевра эмпиеманинг клиник белгилари касалликнинг патологик кечишига таъсир қилувчи бир қанча омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар асосан инфекцияга қарши табиий резистентликнинг пасайиши ва бу фон остида ўпкалар ва плевра бўшлиғи яллигланишларида репаратив жараёнларнинг сустлашуви билан белгиланади. Плевра эмпиемасининг босқичларига қараб bemорларнинг умумий ҳолати янада оғирлашади, йирингли-яллигланиш жараёни кучаяди ва касалликнинг асосий симптом ҳамда синдромларининг прогресияси кузатилади. Бу ҳолатлар болаларда ўткир плевра эмпиемани даволаш самарадорлигини башорат қилишни қийинлаштиради, чунки танланадиган тактикалар, жарроҳлик усули ва аралашув тури bemорнинг касалхонага ётқизилган муддатига, касаллик босқичига ва мавжуд асоратларнинг бор-йўқлигига боғлиқ бўлади.

Замонавий юқори информатив диагностика усулларининг ўткир плевра эмпиемани аниқлашдаги диагностик самарадорлигини солиштирма баҳолаш шуни кўрсатдики, болаларда эмпиеманинг йиринг-фибриноз босқичи ва фибрин ташкил топиш босқичида рентгенологик тасвирни изоҳлашдаги қийинчиликлар 97 та (76,9%) кузатувда аниқланган. Бу ҳолат плевра бўшлиғидаги экссудат ҳажми ва хусусияти билан боғлиқ бўлиб, тасвирлардаги қорайиш интенсивлигини чегаралаб қўйган, натижада патологик жараённинг тарқалганлигини аниқ баҳолашга халақит берган. Бироқ, қуйидаги характерли

рентгенологик белгилар деярли барча беморларда ушбу икки босқичда кузатилган: Кўкс ралифи аъзоларининг қарама-қарши томонга силжиши, қовурғалар орасидаги оралиқларнинг кенгайиши, диафрагма гумбази ва плевра синуси дифференциал белгиларининг йўқлиги 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ўнг томонлама ўткир плевра эмпиемаси, плевра бўшлиғида суюқликнинг горизонтал сатҳи.

Трансторакал ультратавуш текшируви (УТТ) кўкрак қафаси аъзолари ва плевра бўшлиғининг ўрганилиши барча ўткир плевра эмпиемасига гумони бўлган bemorларга мажбурий тарзда ўtkazилган. Бунда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилган: ўпкада деструкция ўчоқларини аниқлашга, ўпка тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлигидаги бузилишларни баҳолашга, патологик жараённинг жойлашувини ва ҳажмини аниқлашга ёрдам берди. (4-жадвалда кўрсатилган).

4-жадвал

Ўткир плеврал эмпиеманинг касаллик босқичлари бўйича ультратавуш белгилари

	Касаллик босқичлари		
	Экссудатив босқич n=29	Йириングли-фибриноз босқич n=69	Фибрин шаклланиш босқичи n=28
Анэхоген (экссудатив) суюқлик	29 (100%)		
Ногомоген (йириングли) суюқлик		69 (100%)	20 (71,4%)*
Плевра бўшлиғидаги фибрин тўсиқлар		63 (91,3%)	28 (85,7%)
Плевранинг қалинлашиши > 5 мм		59 (85,5%)	27 (96,4%)
Суюқлик ва газ сатҳли эмпиема		2 (2,9%)	1 (3,6%)

Изоҳ: Йириングли-фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичида статистик аҳамиятли фарқ р қийматларида аҳамиятли: $\chi^2=21,49$; df=1; p<0,001

Плевра эмпиемасининг йириングли-фибриноз босқичида 69 нафар (54,8%) bemorда плевра бўшлиғидаги суюқликнинг ногомоген (хар хил структурали) тузилиши кузатилди. Бу, кўп сонли майдага сигналлар (эхо-белгилар) билан намоён бўлган. Шунингдек, плевра вароқларининг қалинлашиши ва ўпка

түқимасининг инфильтрацияси (шишиши, қаттиқлашиши) ҳам кузатилди (2-расм). Фибрин шаклланиш босқичида эса 28 нафар (22,2%) bemорда плевра бўшлиғида суюқлик фонида қўплаб фибрин иплари ва ёпишишлар аниқланди. Улар узун чизиқли эхоструктуралар кўринишида бўлиб, плевра бўшлиғининг эркин фазосини бир неча кичик бўшлиқларга (ячейкаларга) бўлиб турар эди.




Расм. 2 (а). Трансторакал УТТ
Ўткир плевра эмпиема йирингли фибриноз
босқич



Расм. 2 (б). Трансторакал УТТ
Ўткир плевра эмпиема фибрин шаклланиш
босқич

83 (65,9%) bemорда плевра эмпиемасининг ўткир шаклида кўкрак қафаси МСКТ текшируви ўтказилди. Ушбу текширув нафақат ўпканинг ўзида, балки плевра бўшлиғидаги морфологик ўзгаришларни аниқлашга ёрдам берди. Шунингдек, патологик экссудат таркибидаги модданинг зичлигини ишончли баҳолаш ва деструктив жараённинг ўпка ҳамда плевра бўшлиғи бўйлаб қанчалик тарқалганини аниқлаш имконини берди. МСКТда қайд этилган морфологик ўзгаришлар ўткир жараённинг сурункали шаклга ўтишини фарқлашга ёрдам берди, шунингдек, воспалител-деструктив жараён оғирлигини аниқроқ баҳолаш имконини берувчи бир қатор аломатларни кўрсатди (3-расм).



Расм.3. Бемор М. 2 ёш. к/т 1262/403. МСКТ. Ўткир плевра эмпиема йирингли-фибриноз босқич (плевра бўшлиғидаги суюқлик ва ўпка паренхимасидаги деструктив ўчоқлар).

Асосий гурухда плевранинг 5 мм дан ортиқ қалинлашуви ва плевра

бўшлиғида ҳаво мавжудлиги назорат гурухга нисбатан кўпроқ учради (мос равишда 20% ва 41,8%). Бу ҳолатлар касалликнинг агрессивроқ кечаетганидан далолат беради (5-жадвал).

Жадвал- 5.


Ўткир плевра эмпиемасини МСКТ белгилари

МСКТ белгилари	Назорат гурух n=28	Асосий гурух n=55	χ^2 , P*
Плевра бўшлиғига суюқлик тўпланиши	9 (32,14%)	17 (30,9%)	>0,05
Кўп камерали бўлувчи пардалар (септалар)	27 (96,4%)	50 (90,9%)	>0,05
Плевранинг 5 ммдан ортиқ қалинлашиши	15 (53,57%)	20 (36,36%)	>0,05
Плевра бўшлиғидаги суюқлик сатҳи	11 (39,3%)	12 (21,8%)	>0,05
Коллабирланган ўпка	20 (71,4%)	50 (90,9%)	>0,05

Изоҳ: Тадқиқот гурухлари орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Бу ҳолатлар клиник ташхисни тезкор қўйиш ва патогенетик жиҳатдан асосланган даволашни зудлик билан бошлашни талаб этарди. Шунингдек, яллиғланиш ўчоғига таъсир этиш мақсадида хирургик ва эндоскопик аралашувларни ўтказиш зарур бўлган. Диагностик усуllibарининг самарадорлигини баҳолаш учун ROC-таҳлил қўлланилди.

ROC қиёсий чизик



Расм.4.Ўткир плевра эмпиемасининг босқичлари учун текширув усуllibарининг диагностик қийматини баҳоловчи ROC-эгри чизиқлар

Тузилган ROC-эгри чизиқлар ҳар бир тадқиқот усули учун сезгирилик, ўзига хослик ва майдонни аниқлашга имкон беради.

Жадвал 6.

Ўткир плевра эмпиемасининг текширув усулларининг диагностик қийматини ROC-таҳлил орқали баҳолаш натижалари бўйича статистик маълумотлар

Диагностик қийматнинг статистик кўрсаткичлари	AUC	Стандартная хатолик	Р қиймат	95% ишончли интервал	
				Қўйи чегара	Юқори чегара
Рентгенография	0,659	0,074	0,05	0,514	0,803
УТТ	0,969	0,035	0,000	0,899	1,000
МСКТ	0,906	0,059	0,000	0,792	1,000

Олиб борилган ROC-таҳлил шуни кўрсатдики, трансторакал УТТ текшируви ва МСКТ болаларда ўткир эмпиема плевры (ЎЭП) ни аниқлашда энг ишончли усуллар ҳисобланади. ROC-таҳлили ЎЭП ни ташҳислашда кўкрак қафаси рентгенографияси 56,7% сезгириликни ва 75% ўзига хосликни, кўкрак қафаси МСКТ 100% сезгирилик ва 81,2% ўзига хосликни, УТТ усули эса 100% сезгирилик ва 93,7% ўзига хосликни кўрсатди. Бу эса, II ва III босқичдаги ўткир плевра эмпиемасини фарқлашда рентгенографиянинг чекланган имкониятларга эгалигини таъкидлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўпка ва плевра бўшлиғидаги патологик жараённинг характеристири ва тарқалишини аниқлашдаги аниқлик даражаси фарқли бўлишига қарамай, нурли текширув усуллари (рентген, УТТ, МСКТ) маълум афзалликларга эга. Бу афзалликлар ушбу усулларни ҳам мустақил равишда, ҳам бирбирини тўлдирувчи равишда қўллаш имконини беради. Бу эса клиникарга тўлиқ маълумотга эга бўлиш, касаллик ўчоқларини бартараф этиш учун зарур чораларни зудлик билан кўриш имкониятини яратади. Трахеобронхиал дараҳтидаги яллиғланиш жараённинг даражаси ва тарқалишини аниқлаш мақсадида 110 нафар (87,3%) bemorda даволаш-диагностика мақсадида бронхоскопик тадбирлар ўтказилди, бу эса сегментар ва субсегментар бронхларни тўлиқ санитария қилиш имконини берди. Ўтказилган бронхоскопия натижасида 51 та (46,4%) ҳолатда яллиғланиш жараёни чекланганлиги, 59 та (53,6%) ҳолатда эса унинг кенг тарқалганлиги аниқланди. Ўткир плевра эмпиемани босқичига қараб, бронхоскопия бронх шиллиқ қаватидаги яллиғланишга хос ўзгаришларни аниқлаш имконини берди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Ўткир плевра эмпиемасининг босқичларига қараб бронхлардаги яллиғланиш жараённинг ифодаланиши (n=110)

Ўткир плеврал эмпиеманинг босқичлари	Экссудатив босқич n=21	Йириングли-фибриноз босқич n=64	Фибрин шаклланиш босқичи n=25	Жами
Катарал эндобронхит	1 (4,8%)		-	1 (0,91%)
Йириングли эндобронхит	20 (95,2%)	38 (59,4%)*	13 (52%)*	71 (64,5%)
Йириングли-фибриноз эндобронхит		26 (40,6%)	12 (48%)	38 (34,5%)
Жами	21 (100%)	64 (100%)	25 (100%)	110 (100%)

Изоҳ: эмпиема экссудатив босқичига нисбатан бронхларда яллиғланиш ўзгаришларидаги фарқлар Р қийматларида статистик аҳамиятли: *- < 0,005

Бронхларда яллигланиш жараёнининг кенг тарқалганлиги ўпка тўқимасида деструктив жараёнларнинг ривожланишига олиб келган, бу эса ўткир плевра эмпиемасининг яъни плевра бўшлиғига суюқлик тўпланиши билан кечувчи асосий сабаби бўлган (5-расм).



5-расм. Ўткир плевра эмпиемаси ҳолатида йирингли-фибринозли бронхитнинг ривожланиши.

Коннинг клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари деярли барча ҳолларда беморларда периферик қонда яққол ифодаланган лейкоцитоз ($12 \times 10^9/\text{л}$ ва ундан юқори), лейкоцитар формууланинг чапга силжиши, нейтрофилёз ва таяқасимон ядроли нейтрофиллар сонининг ошиши, шунингдек, ЭЧТ кўрсаткичининг юқорилигини кўрсатди. Ўткир эмпиема плевра учун хос бўлган ҳолатлардан бири эритроцитлар ва гемоглобин микдорининг пасайиши ҳамда тромбоцитлар даражасининг ошиши ҳисобланади.


Плевра бўшлиғи ва бронхлардан олинган суюқлик (йиринг, экссудат) намуналарининг бактериологик текшируви 89 та ҳолатда қуйидаги юқумли агентларга хос микрофлоранинг мавжудлигини кўрсатди: *Streptococcus pneumoniae*, *Staphylococcus aureus*, *Pseudomonas aeruginosa* ва *Klebsiella oxytoca*.

Бактериал флоранинг кенг спектри ва унинг хужайравий таркиби стафилококкларга тегишли грамм-мусбат бактерияларнинг аниқланиш даражаси пастлигини кўрсатди, бироқ шартли патоген грамм-манфий флора ва бошқа микроорганизмларнинг устунлиги қайд этилди. Ушбу флора ўпкада деструктив жараёнларнинг ривожланишида иштирок этиб, ўткир плевра эмпиемасининг этиологик омилларидан бири сифатида намоён бўлди.


Олиб борилган юқори ахборотли диагностика усувлари, эндоскопик ва клиник-лаборатория тадқиқотлар болаларда ўткир плевра эмпиемасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу тадқиқот усувларининг биргаликда ёки бир-бирини тўлдирувчи тарзда қўлланилиши, айниқса шубҳали ҳолларда, эмпиемани самарали аниқлаш имкониятини оширади ва олинган маълумотлар асосида комплекс жарроҳлик аралашуви ва консерватив терапияни танлаш, даволаш тактикаси ва усулини белгилашга ёрдам беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Болаларда ўткир плевра эмпиемасини даволашда анъанавий ва кам инвазив усувларнинг қиёсий тавсифи» жарроҳлик даволаш усули, услуги ва тактикаси танловига бағишиланган. Ушбу бобда 2021 йилгача бўлган даврда 61 нафар (48,4%) bemordan iborat назорат гуруҳида ўtkazilgan anъanaviy kompleks davolash natижалари taхlil қилинган. 16 nafar

(26,2%) bemorda eks sudativ bosqichda plevra boushligini punkcija va drenajlash jaarroqlik muolajasi utkazilgan. 44 (72,1%) xolatdan yani utkiр empiemанинг иириングли-фибринозли bosqichiда va фибрин шаклланиш bosqichiда 32 ta bemorda daстlabki jaarroqlik aralaшуви сифатида plevra boushligiga punkcija va drenajlash utkazilgan bolسا, 12 ta xolatda bronxiyal okma mawjudligi туфайли punkцион-drenajlash usullari sanacion bronхоскопия va bronхplevral okmani okkluzияси bilan birgaliqda amalga oshirilgan. Plevra boushligini drenajlash orqali amalga oshirilgan sanация samaradorliginинг асосий мезонлари қуидагилардан iborat bolgan: plevra boushligidan ajralib чикадиган suyoqlik mikdorinинг кескин камайиши, endogen intoksiкация белгилари va яллиғланиш клиник кўринишларининг барваqt бартараф этилиши, шунингдек, тананинг ҳарорат реакцияси пасайиб, нормаллашиши. Bemorлarda maxsus tekшириш usullari orqali aniqlangan kasallik bosqichlariда davо uslubini tanlash biz iishlab chikqan tashxislash va davolaш алгоритмига асосан олиб borildi (6-rasm.) Punkцион-drenajlash aralaшувларининг samaradorligi назорат гурухидаги 26 naфар (42,6%) bemorda kuzatilgan: shundan 16 ta xolat kasallikning eks sudativ bosqichiда, 10 ta xolat иириングли-фибринозли bosqichiда.



Бироқ назорат гурухидаги қолган 35 нафар (57,4%) bemорда фақатгина пункцион-дренажлаш усулларини қўллаш етарли самара бермади. Бу ҳолат бронхларда йирингли яллиғланиш жараёнларининг давом этиши ва ўпканинг тўлиқ аэрациянинг йўқлиги билан намоён бўлган (7-расмда кўрсатилган).



Расм 7. Назорат гурухидаги ўткир плевра эмпиемаси билан оғриган bemорларда амалга оширилган анъянавий жарроҳлик аралашувларининг сони ва турлари

Изоҳ: йирингли-фибриноз ва фибрин ташкил бўлиш босқичлари ўтасидаги фарқ торактомия бўйича статистик аҳамиятли $\chi^2=4,28$ df=1 p<0,05

Плевра бўшлигини дренажлашдан кейин 4–5-кунларда ўтказилган назорат қўкрак қафаси рентгенография ва трансторакал УТТ текширувлари 23 нафар bemорда заарланган томонда ўпканинг коллабирланган ҳолатда эканини кўрсатди. Бу ҳолат санацион бронхоскопия ўтказиш учун бевосита кўрсатма бўлиб хизмат қилган. Функцияланаётган бронхиал оқмага эга бўлган 12 нафар bemорда санацион бронхоскопия бронхоокклузия билан биргаликда бажарилган. Ушбу муолажа усули ўткир плевра эмпиемасини анъянавий комплекс даволашнинг мажбурий таркибий қисми сифатида қўлланган (8-расм).



Кўкрак қафаси R-графия
(окмали шакли).



Қисқа муддатли бронх
окклузияси.



Кўкрак қафаси R-графия.
окклузиядан кейинги.


Расм. 8. Бемор О., 9 ёш. к/т 211/242. Ўткир плевра эмпиемасини қисқа муддатли бронх окклузияси

Назорат гурухидаги 35 нафар (57,4%) юқорида қайд этилган

муолажаларни ўтказган беморларнинг 28 нафарида (45,9%) қониқарли даволаш натижалари олинган. Кўшимча равища ўтказилган санацион бронкоскопиялари бўлак ва сегментал бронхлардан патологик таркибни аспирация қилишни, шунингдек, танланган эндобронхиал лаваж етарли даражада амалга оширишни осонлаштириди.

Назорат гуруҳидаги болаларнинг 7 (11,5%) ҳолатида фибрин шаклланиш босқичида қониқарсиз даволаш натижалари қайд этилган. Ушбу bemorларда бронхоскопия ва қисқа муддатли бронхиал окклузия билан пункцион-дренаж муолажалари плевра бўшлигини етарли даражада тозалашга имкон бермади. Бунинг сабаби, ўткир плевра эмпиемасига олиб келадиган асосий диққат марказида бўлган йириングли капсулаланган бўшлиқнинг санация қилинмаганлиги, бу фибринотораксга ўтиш билан йириングли-яллиғланиш жараёнининг узоқ давом этишига олиб келди. Бундан ташқари, плевра бўшлигини дренажлаш самарасиз бўлишининг сабаблари мавжуд плевра швартлари бўлиб, улар ҳам эмпиеманинг деворларининг қалинлашиши туфайли плевра бўшлигининг субплеврал локализацияланган деструктив ўчоқларини тўлиқ бўшатишга тўсқинлик қилди. Ушбу ҳолатлар ўпканинг узоқ вақт давомида тикланмаслигига олиб келади ва шунга мос равища бу ўпканинг тўлиқ бўлмаган аерацияси сифатида намоён бўлади, бу нафас олиш этишмовчилигининг клиник ривожланиши билан бронхоплеврал оқманинг ривожланишига ёрдам беради.

Бу bemorларда ўтказилган уч ўлчамли (3Д) реконструксияга ега МСКТда плевра бўшлиғида дренажланмаган кўпламчи фибрин тяжлар билан капсулаланган йириングли ўчоқлар, шунингдек, ўпканинг кенгайишига йўл қўймайдиган плевра қатламларининг қалинлашиши аниқланган (9-расм).




9-расм. Бемор М. 4 ёш. к/т 2485/694. МСКТ. Плевра бўшлиғида чегараланган йириングли бўшлиқ.

Шу муносабат билан назорат гуруҳига мансуб 7 (11,5%) bemorda операция олди тайёргарликдан сўнг техник жихатдан мураккаброқ бўлган жарроҳлик амалиёти — плевра бўшлигини очиқ торакотомик санация қилиш, санацион бронхоскопия ва зарурат туғилганда бронхоокклузия амалга оширилди. Бу усул ўша вақтда фибрин шаклланиш босқичидаги ўткир плевра эмпиеманинг чегараланган шаклида асосий хирургик даволаш усули сифатида қўлланилган.

Анъанавий торакотомия этапма-этап ўпкани декортикация қилиш

орқали амалга оширилди ва швартларни кесиб ажратиш билан кузатилди. Шу жараёндан сўнг пневмолиз ёки плеврэктомия ўтказилди. Операция мукаммал гемостаз, плевра бўшлигини санация қилиш ҳамда ўпканинг герметиклигини тиклаш билан якунланди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларда ЎПЭ ни анъанавий жарроҳлик усуллари билан даволаш юқори даражада травматик бўлиб, кўп ҳолларда операциядан кейинги асоратлар билан кечади. Шунингдек, анъанавий торакотомия иқтисодий жиҳатдан ҳам катта харажат талаб қилувчи муолажа экани қайд этилди, чунки bemorlarning стационарда ўртacha қолиш муддати камида 3 ҳафтани ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, даволашда қўлланилган дори воситалари ва клиникада bemorни сақлаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада ошириди.

Болаларда ЎПЭ ни даволашда замонавий кам инвазив ва эндожарроҳлик усулларининг жорий этилиши асосий гурухдаги 65 (51,6%) bemorda (2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврни қамраб олган ҳолда) даволаш натижаларини таҳлил қилиш имконини берди. Улардан 31 (47,7%) ҳолатда пункцион-дренаж усуллари қўлланилди. Бу муолажалар 18 bemorda самарали деб баҳоланди. Бироқ, 13 та ҳолатда плевра бўшлигини дренаж қилиш орқали чегаралangan бўшлиқларни тўлиқ санация қилиш имкони бўлмагани сабабли, ушбу bemorlarда кечиктирилган видеоторакоскопик санация амалга оширилди. Асосий гурухдаги 32 (49,2%) bemorda эрта босқичда, яъни йирингли фибриноз ва фибрин шаклланиш босқичларида бирламчи видеоторакоскопик жарроҳлик муолажалари бажарилди. Бироқ, 2 (3,1%) ҳолатда мазкур муолажалар етарлича самара бермагани туфайли, плевра бўшлигини очиқ торакотомик санация қилиш мажбурий чора сифатида қўлланилди (10-расм).




10-расм. Асосий гурух bemorlariда бирламчи ўтказилган кам инвазив ва видеоторакоскопик жарроҳлик муолажаларининг сони ва турлари.

Изоҳ: плевра эмпиемасининг экссудатив босқичига нисбатан ўтказилган аралашувлар фарки Р қийматида аҳамиятли: ^- < 0,02; ^^ -0,05.

